Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 4 февраль • Пайшанба • № 15 (14043) ترکستان ✽ TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

СОДИҚ САФОЕВ — ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ

Бундан ўн-ўн икки йиллар муқаддам Тошкент Давлат дорилфунунида таълим олган талабалар Содиқ Солиҳович Сафоевни жуда яхши билишади. Бир неча йил ёшларга етакчилик қилиб, уларнинг ишончини қозонганди. Кейинчалик кўпгина раҳбарлик лавозимларида ишлади. Америкага бориб малакасини ошириб қайтди.

Куни-кеча эса жумҳуриятимиз бўйлаб янги хушхабар тарқалди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фармони билан 39 ёшли ғайратли ва қатъиятли дўстимиз жумҳурият ташқи ишлар вазири лавозимга тайинланди.

Жумҳуриятимиз ёшлари ва «Туркистон» рўзномаси ижодкорлари Содиқ Сафоевга янги лавозимда янада самарали меҳнат қилиб, мустақил Ўзбекистонимиз шон-шуҳратини чет элларга ёйишда катта муваффақиятлар тилайди.

«МУРАББИЙ—93» ҒОЛИБИ

Самарқанд шаҳар Сиёб туманида Халқ таълими бўлими ва ижодий марказ ходимлари томонидан мактаблардаги ҳар хил тўгарак раҳбарлари иштирокида «Мураббий—93» кўрик танлови ўтказилди. Кўрик-танлов шартига кўра ҳар бир иштирокчи ўз иш тажрибасидан гапириб бериши, Ўзбекистон тарихи, миллий урф-одатларимиз, экологик муаммоларни қай даражада билишлигини кўрсатиб бериши ва очиқ машғулот ўтказиши киритилган эди.

Иштирокчидан билим ва чаққонлик талаб этган бу йирик танловда шаҳардаги 27-мактаб мусиқа ўқитувчиси Аслам Аҳмаджонов танлов ғолиби бўлди.

(Ўз мухбиримиз).

ЭНГ ҚУРКАМ БИНО — АКАДЕМИЯГА

Самарқандда Ўзбекистон Фанлар академияси бўлимини ташкил этиш бўйича масала муҳокама қилинди.

Чунки Самарқанд илмий изланишлар ва илмий муҳокамалар маркази олимлар фаолиятини мувофиқлаштириш, кашфиётлар натижаларини ҳаётга тадбиқ этиш учун ҳам академия бўлимининг очилишига эҳтиёж катта эди. Ўзбекистон ФАнинг президенти академик М. Салоҳиддинов шу мақсадда олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари билан учрашди. Вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов Фанлар академиясининг Самарқандда очилажак бўлими учун шаҳардаги энг кўркам бинолардан бирини ажратишга ваъда берди. **(Ўз мухбиримиз).**

МАРКС, ЭНГЕЛЬС ВА ЛЕНИННИ... ТАҲЛАШЯПТИ

Турғунлик йилларида СССРда энг кўп нашр этилган, қоғози ва муқовасининг сифати аъло даражада-ю, лекин нархи энг арзон (оммабоп бўлиши учун) китоблар кимникилигини биласизми? Албатта, Маркс, Энгельс ва Ленинники эди. Бу асарлар дастидан китоб жавонлари сал бўлмаса ёрилай дерди. Тарих ўйинини қарангки, уларни энди нашр этиш у ёқда турсин, кутубхоналардан топишнинг ҳам ўзи бўлмай қолади.

Шу кунларда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани кутубхоналарида юқоридаги «арбоб»ларнинг китоблари даста-даста қилиб таҳланяпти ва... макулатура учун жўнатишга тайёрланмоқда. Аммо ҳар эҳтиёжманд ва ҳаваскорларнинг ҳаваслари ва ҳаракатлари ҳеч ким учун сир эмас. Ҳеч ким ҳеч ким учун ҳеч нарсани ўзгартирмоқчи ва ўзгартиролмаслиги

Аро йўлда...

Турли хил ширкатлар, кичик корхоналар очишга рухсат берилиши бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидан бири эканлигини яхши биламиз. Бу билан хусусий мулкка эгалик кафолатига дастлабки қадам қўйилгани ҳақ.

Аммо, минг афсуски, ҳамма ширкатлар ҳам ўз низом, дастурлари йўналишида фаолият кўрсатмадилар. Улар бирор маҳсулот ишлаб чиқариб, халқимизни камчил матолар билан таъминлаш ўрнига пул топишнинг энг осон йўлига — чайқовчиликка ўзларини уриб кетишди.

Яқинда вилоят рўзномасида Урганч шаҳрида фаолият кўрсатган бир қатор ширкатларнинг тугатилгани ҳақида эълон босилди. Гап нима ҳақда кетаётганини англаш учун ширкатларнинг номланишларига эътиборни қаратиш кифоя. «Алмаз», «Мрамор», «Знак», «Сосна», «Моляр», «Гарант», «Пахтакор», «Торгстрой», «Фарҳод», «Кристалл», «Машъал», «Гротеск», «Автомобилист», «Мебель», «Время», «Ҳунар», «Тараққиёт».

Вилоят ҳокими муовинининг вақтли нашрга берган мусоҳабасида ҳозирги кунда вилоятда уч ярим мингдан зиёд турли ширкатлар борлиги ва уларнинг аксар қисми фақат чайқовчилик билан машғуллиги қайд қилинган. Чайқовчилик — қадим боболар касби савдогарлик эмас. Бу ишбилармон жаноблар дўкондан олиб, кўчага чиқариб сотишга усталар.

Қарангки, «ширкатчи» ниқоби остида тирикчилик қилаётган «ишбилармонлар»нинг сафига путур етди. Бу бошламаси бўлсин!

(Ўз мухбиримиз).

Яқинда Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида янги дўкон биноси қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилди. Шаҳар аҳолиси қурувчилардан мамнун. Хурсанд бўлмасинлар-мн, ахир бу дўкон икки қават қилиб қурулган бўлиб (умумий майдони 1650 квадрат метрни ташкил этади), унда барча саноат ва кундалик рўзғор эҳтиёжлари учун зарур молларни топиш мумкин. Дўконнинг ўзида тамаддихонаси ҳам бор. Қулайлик кимга ёқмайди дейсиз...

Ушбу суратларда янги дўконнинг ички кўриниши тасвирланган. Сиз тамаддихона (чапдаги сурат) ва дўконнинг асосий савдо залини кўриб турибсиз.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ. (ЎзА).

БОЖХОНАДАН МАЪЛУМ ҚИЛИШЛАРИЧА:

ТАЙЁРА ЮКИ ЕНГИЛЛАШДИ

23 январь шанба. Шу куни Тошкент тайёрагоҳи майдонида 6308 рейс бўйлаб «Тошкент — Оқтоғ» томон учадиган тайёра учиш олдидан йўловчиларни кутиб турибди. Шу пайт бу бино ичига кириб келган йўловчи қўлидаги жамадонини топшириш учун кетаяптию у негадир ҳадиксираб атрофларга қарайди. Бундан шубҳаланган божхона ходими Карим Усмонов уни тўхтатди-да, ўзини таништириб бу бинодаги божхона хонасига таклиф қилиб ҳамкасблари билан унинг жамадонини текширишса, унинг ичидан кўплаб миқдорда атир-упалар, тирнок бўёқлари, қўл соати-ю ва лаб бўяғич, жами бўлиб 148 минг сўмдан ортиқ атторлик буюмлари борлиги аниқланади.

Қозоғистонлик меҳмонимиз Вячеслав Васильевич Коратунов қонун йўли билан жами юкларини давлат фойдасига топшириб, юклардан қўлини енгиллатди-да, янги чиққан қонун бўйича беш минг (аввал 200—500 сўм эди) сўм миқдорида давлат фойдасига жарима тўлаб, тайёра юкини енгиллаштириб хайр-манзур қилгач, ўз юртига учиб кетди.

ПОЕЗД ЖУНАШ ОЛДИДАН

Яна худди шу куни Тошкент — Жалолобод шаҳарлари оралиғида қатнайдиган 926-сон поезднинг йўловчиси Абдумалик Мамаюсупов бегона юртларга 77 жуфт эркаклар туфлиси, 4 жуфт этик, 70 дона эркаклар шими, жами бўлиб 35 минг 730 сўмлик кийим-кечакларни, 85-сон Тошкент — Москва пассажир поезднинг йўловчиси Равиль Намаев 3 дона куртка, 7 дона эркаклар жемпери, 3 дона аёллар свитери, 7 дона «Адидас» спорт костюми, 22 жуфт жун қўлқоплар, яъни жами бўлиб Хитойда ишланган 37 минг сўмлик кийим-кечакларни, 187-сон Жалолобод — Бешкек поезднинг йўловчиси Бекмурод Ерназаров бир йўла ҳар бири 20 килодан 5 қути давлат нархида жами бўлиб 34 минг сўмлик сариёғларни ноқонуний йўл билан олиб чиқиб кетишаётганида Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг ходимлари қўлга олишди. Четга товар-моддий бойликларимизнинг олиб чиқиб кетиш таъқиқланган ҳақидаги қонунни бузганликлари учун «ишбилармон»ларнинг ҳар бири давлат фойдасига беш минг сўмдан жарима тўладилар.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ҲИСОБ-КИТОБНИ ЁҚТИРАДИ

Шу йил март ойининг кейинги беш кунлигида Тошкентдаги Республика кўргазмалар марказида «қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш юксак технологияси» мавзуида халқаро кўргазма очилади. Биз мазкур кўргазма ташкилотчиларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси генетика институтининг директори, Абдусаттор АБДУКАРИМОВ билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Аввало шуни айтишим керакки, — деди у, — ана шу мавзудаги халқаро кўргазма республикамиз пойтахтида ташкил этилаётгани бежиз эмас. Зеро, бизнинг қишлоқ хўжалигимиз, айниқса, маҳсулотни қайта ишлаш саноати илғор технологияга муҳтож. Биласиз, бизда пишиқчилик ҳамма жойда бирдек кечади. Ишкомларда сархил узумлар, томорқада помидору турли сабзавотлар, пайкалларда қовун-тарвуз қарийб айни бир вақтда пишиб, деҳқонни ҳам, ҳосилни қабул қилувчини ҳам, маҳсулотни қайта ишловчини ҳам шошириб қўяди. Тармоқ корхоналари шунча маҳсулотни бирдан «ҳазм» қила олмайди. Натижада пешона тери билан етиштирилган ҳосил бузилади, нобудгарчилик баъзан 50 фоизгача етади. Энди бунга йўл қўйиб бўлмайди, чунки бозор иқтисодиёти чиқитсиз ишлашни, ҳамма нарсада ҳисоб-китобни ёқтиради.

— Кўргазмада қайси давлатлар иштирок этади?

— Талабгорлар талайгина. Овруподаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ривожланган Италия, Австрия, Германия, Швейцария, Голландия синфари давлатларнинг таниқли фирма ва корпорациялари кўргазмада ўз машина ва жиҳозларини кўз-кўз қиладилар.

Бу мамлакатларда тайёрланган мева-сабзавот маҳсулотларини консервалайдиган, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, мева тозалайдиган, саралайдиган, қуритадиган машина ва механизмлар, совутгичлар, тарозилар, новвойхона, омборхона, ошхона, дўкон жиҳозлари, тегирмонлар, турли транспорт воситалари қулай, ихчам ва арзон бўлиб, маҳсулотни даланинг ўзида қайта ишлаб берадиган кичик корхоналар очишда қўл келади. Шуни ҳам айтиш керакки, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ўзини ўзи қоплай олмаётган ўнлаб давлат хўжаликлари жамоаларини, уюшмалар, кооперативлар, фермерлар ихтиёрига ўтиши муносабати билан шундай ускуналарга эҳтиёж янада ортади.

Айни вақтда республикамиздаги саноат корхоналари шу турдаги машина ва механизмлари билан кўргазмада қатнашишлари, янги мижозлар топиб, жаҳон бозорига чиқиб олишлари учун имконият яратилади.

— Етук хорижий мамлакатлар иштирокидаги ўнлаб тадбирлар каби Тошкентда шундай нуфузли кўргазма ташкил этилаётгани истиқлол шарофати туфайли, шундай эмасми?

— Гапингиз тўғри, илгари бошқа соҳаларда бўлгани каби халқнинг моддий-маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган турли кўргазмалар ўтказиш собиқ Иттифоқнинг бийлигида бўлиб, бунда биринчи галда сиёсий мақсадлар кўзга тутилар эди. Асосан марказ корхоналарининг эскирган технологияси-машиналари тиқиштирилар эди. Ўзбекистонда тайёрланган сархил маҳсулотлар эса жаҳон кўргазмаларида «СССР» тамғаси билан намойиш этиларди.

Мустақиллик туфайли жаҳонга юз тутдик, унинг тараққиёт неъматларидан фойдалана бошладик. Жаҳон ҳадемай бизнинг неъматлардан ҳам баҳраманд бўлади. Тараққиётимиз мазмуни ҳам ана шунда.

Е. ИБРОҲИМОВ, ЎзА мухбири.

Муборак удумлар

Отингни „чуҳ" де, чавандоз!

Қўқондан тортиб Исфарагача, Хўжанддан то Ўшгача, Фарғонадан бу ёғи Шоҳимардонгача «Мамат улоқчи ким?» деб сўрасангиз, у кишини дарров таърифлаб беришади. Мамат бува салкам олтмиш йил улоқ чопган, ўнлаб мард ва чапани шогирдлар етиштирган, ҳар қандай отга ва чавандозга бир қарашда баҳо берадиган аломат одам. Ана шу пиру бадавлат отахон бу йил тўқсон икки ёшни қаршилаяптилар. Гарчи анча кексайиб қолган бўлса-да, ҳалиҳануз от мингиси, белбоғини маҳкам боғлаб, кумуш қамчинини ярақлатиб, улоққа киргиси келади. Отанинг кўплаб шогирдлари бор. Улар ҳали бегона улоқчига «оғзидагини олдирган эмас»лар Шукурбек Мамат бувани энг кенжа шогирди, Омон трактўрчининг ўғли...

Учкўприк азал-азалдан чавандозларнинг юрти 'саналади. Моҳир чавандозу мерганларининг, улоқчию-пойгачиларининг довруғи узоқларга кетган. Омон трактўрчиям кўп қатори бир куни уйига гижинглаган той етаклаб келди.

— Ҳай, отаси, бу нимаси? Кимнинг тойини етаклаб келаяпсиз, оғзингиз қулоғингизда? — деди хотини ҳайрон бўлиб.

— Сен сўрама, хотин, мен айтмай! Худо етказди буни, — деди трактўрчи тойни нақ пешайвонга боғларкан. — Сарқўрғонда катта сайл бўлди, ўшатдан савдолашиб олдим. Сен дарров қовоғингни солмагин, хотин, бу тойнинг зоти тоза, асл улоқчи от бўлади, худо хоҳласа!

— Туянинг тушига ҳаммом кирмай ўлсин, қаёқдаги ишларни бошлаб юрасиз-а, отаси! Яқинда невара кўрадиган одам ўғлингиз тенгларга қўшилиб улоқ чопишингиз қолувди энди...

— Дардимни сенга айтиб қачон маза топган эдимки, энди елкамга қоқиб қўйсанг. Майли, кўрамиз! Ҳали бу тойчоқни шунақанги боқайинки, манаман деган улоқчиларингнинг оғзи очилиб қолсин. Ўзимам чопаман, мендан улоқчи чиқмаса, мана, ўғиллар бўп келишяпти... Тек, жонивор, тек!...

Шу-шу бўлди-ю Омон ака той билан ўралашди-қолди. На ишида ҳаловат бор, на еган-ичганида. Икки йил ўтар-ўтмас тойни катта улоққа солиб кўрди. Зоти тоза деганларича бор экан жониворнинг! Тўдага ўзини шундай урадики, ҳатто, бешолти йилдан бери сайлларнинг олди бўлиб келаётган яғриндор арғумоқлар ҳам ип эшолмасдан қолади. Шунга ҳам йигирма йилдан ошди. Ўша отда Омон трактўрчиям чопди, катта ўғли Абдуманнап ҳам чопди. От Мамат улоқчидек машҳур чавандознинг назарига тушди. Катта томошалар «Бўрон»сиз ўтмайдиган кезлари Омон ака кенжа ўғли Шукурбекни сайлларга елкасида опичлаб олиб боришни канда қилмас эди. Эндигина тетапоя бўлган болакайнинг улкан арғумоқ устида бемалол ўтира олиши, интилиб-интилиб унинг кенг яғринини силаши ва чанг-тўзонлар аро ўқдек учиб бораётган отларнинг орасидан отаси миниб олган отни кўрган заҳоти ирғишлаганча қичқириб юбориши атрофдагиларни ҳайратга солар, томошага ўч одамлар эса «Бўладиган бола бошидан маълум эканда! Омонбойнинг мана шу жинқарчасиданам зўр чавандоз чиқади, отаси ҳам шунақа эди» деб қўйишарди. Башорат йиллар силсиласида ҳақиқатга айланиб борди.

Шукурбек эндигина йигирма тўртга кирди. Ёш бўлишига қарамасдан элнинг оғзига тушди, моҳир чавандоз, абжир улоқчи бўлиб танилади. Бундан ташқари у яхшигина курашчи ҳам. «Фарғонача усул» бўйича унинг елкаси ҳали ер кўрган эмас. Ҳарбийда юрганида шарқона яккама-якка олишиш сирларини пухта эгаллаб олди. Шукурбек билан унинг хонадонида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Оддийгина, ўзбекона ҳовли, лойсувоқ иморат, чоғроққина томорқа. Қўра тўла қўй-қўзи, сигир-бузоқ.

— Қўйларнинг емиши чатоқми, Шукурбек? — дейман озиб-тўзиб кетган қўйларга ишора қилиб.

— Йўғе, нималар деяпсиз! Сиз кўраётган туёқларни кечаги сайлда «соврин» қилиб беришувди...

«Совринбоп» деб расмийлаштирилган, очликдан силласи қуриб қолмасидан туриб халқ ўртасида улоқчиларга «тантанали суръатда топширилган» жониворларга яратганнинг раҳми келсин-е, деворишдан тияман ўзимни. Айтмоқчи бўлганларимни чавандоз пайқади шекилли, секингина кулимсираб қўйди.

— От боқиш қийин бўлса керак-а?

— Кимгадир қийинга ўхшаб туюлар, лекин мен учун гаштли! Ишдан келган заҳоти отхонага югураман, чарчоғим ёзилади, кайфиятим кўтарилади. Ўзимча «гаплашаман». Ем-хашакдан қийинчилик борми деб сўрасангиз ҳам «йўқ» дердим. Қишлоқда яшаганингдан кейин ёз бўйи қишлигингни жамғаришга мажбурсан киши. Шу чоққача хашак сотиб олмаганмиз. Худога шукр, озгина деҳқончилик қиладиган еримиз бор...

— Тўғрисини айтинг, улоқ пайтида отингизни чарчатиб қўйишдан қўрқасизми ё ўзингизни?

— От жониворни қийнаб қўйишдан чўчимайман доимо, ахир тилсиз маҳлуқ бўлса. Ҳадеб қамчин босаверсангиз, чопаверади-да!

— Улоққа деб сўйилган бузоқларнинг вазниям анчамунча бўлса керак?

— Ҳар-хил. Баъзан олтмиш-етмиш, баъзида юз килогача бўлади. Шунча оғирликдаги юкни бир нафасда, тахминан бир ярим метр юқорига даст кўтаришингизга тўғри келади, икки нафасдан кейин овора бўлманг, барибир ололмайсиз.

— Айтишларича, сизнинг отингиз улоқнинг тепасига етганида чўккалаб олар эмиш. Шу ростми?

— Бўлмаган гап. Сиз айтган «келишувчан» отлар бу депарада қолмаган.

— Кеча Бағдодда бўлиб ўтган сайлда битта улоқчи от бир юз эллик минг сўмга савдо бўлди.

— Устам Мамат буванинг яхши бир гапи бор: «Эркакнинг хотини, қиндаги пичоғи, бошдаги дўпписи ва оти савдога бегона». Отни мурод дейишади, у — хонадоннинг беминнат дастёри, чавандознинг шон-шуҳрати, рўзғорнинг файзи. Мен учун энг яқин сирдош ва йўлдош бўлиб қолган отимни баҳолашларига ҳечам йўл қўймаган бўлардим.

— Ёш бўлишингизга қарамасдан танилган чавандозсиз. Сиз ўзингиз кимларни энг кучли чавандоз деб тан оласиз?

— Аввало пешонасини маҳкам танғиб, белбоғини боғлаб улоққа тушганларнинг ҳаммаси ҳам қайсидир маънода кучли. Чунки, улоқ мардларнинг баҳси, унда ғирромлик қилиш кетмайди. Қолаверса, устозим қаторида наманганлик Тўра улоқчи, бағдодлик Абдурайим Полвон, Хурсанали ака, Ашурбой калта, риштонлик Тошкентбой ака, хўжандлик Мели Қирғизларни ҳақиқий чавандоз сифатида ҳурмат қиламан, ўйинларини кўриб мириқаман. Улардаги метинлик, мустаҳкам ирода, чапдастликка ҳавасим келади. Улоқни эгар қошига ўрнаштириб, садафли қамчинни ҳавода ўйнатганча «Ё, Али!» дея тўдани ўқдак ёриб чиқишларини томоша қилаётиб, ич-ичимдан ўшаларга ўхшагим келаверади.

— Улоқчи отингиз билан пойгаларда ҳам қатнашиб турасизми?

— Йўқ. Улоқчи от пойгага қўйилдими, унинг «айниғани» шу бўлади...

Шукурбекнинг Шоҳжаҳон исмли ўғилчаси бор, худди отасининг ўзи! Бўладиган бола. Демак, узоқ Учкўприкнинг Қанғил деган кичик бир қишлоғида улоқчиларнинг авлоди ва уларнинг анъанасини давом эттиришни мурғак юрагига жо этган яна бир «бўладиган болакай» ўсиб келаяпти. Қанғилдан қайтаётганимда Шукурбек Ўриновнинг «Оқбет» лақабли отига осиб қўйилган уч бурчакли туморга кўзим тушди: «Кўз тегмасин!»

Улоқчининг бақувват қўлларини сидқидилдан сиққанқанча хайрлашаётиб эса дилимдан мана шундай истаклар кечди: «ОТИНГНИ «ЧУҲ» ДЕ, УЛОҚЧИ! УНИНГ ЯҒРИНИДАН ШАМОЛ, СЕНИНГ ПЕШОНАНГДАН ШУҲРАТ АРИМАСИН. «Чуҳ» де-е!»

Рустам БОЙ МУҲАММАД. «Туркистон»нинг ўз мухбири.

МЎЪТАДИЛЛИК

Суҳбатдошимиз — Хушнуд Қуриёзов тиббиёт фанлари номзоди, Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи. Икки йил муқаддам рўзномамизга берган мусоҳабасига «Таҳлика минтақаси» деб сарлавҳа қўйишни таклиф этган. Ушанда Оролбўйидаги экологик муҳитнинг беқарорлиги оқибатида касалликларнинг ошиб бораётгани ва марказдан ёрдам тариқасида жўнатилаётган «тиббиёт десантн»нинг «минус», «плюс» томонлари тўғрисида очиқ-ойдин фикрлар билдирганди...

— Хушнуд Бобоевич, ўша суҳбат босилган кезда Шўролар Иттифоқи мустаҳкам — ёв ололмас қўрғон саналарди. Московнинг айтгани айтган, буюрганн бажарилган замонлар. Лекин, Сиз воҳага ёрдам тариқасида марказдан юборилган десантнинг керакмаслиги ҳақида дадил гапирдингиз. У пайти ҳаммамиз эҳтиёткорликни хуш кўрадиган халқ эдик. Ушанда Сиз айтишга, айтганингизда ҳам биз чиқаришга «андиша» қиладиган фикрларингиз бормиди?

— Московдан ҳар йили жўнатиладиган «десант»нинг турган-битгани зиён эканини айтгандим, чоғи. Агарда «кўнгилли» бўлиб юз нафар дўхтир келса, уларнинг кундалик хизматлари учун икки карра кўп ходим бириктириб қўйишимизга тўғри келарди. Яна хизмат машинаси, аъло даражада овқатланиш ташкил қилинарди. Уларга катта миқдорда маош ҳам тўлашарди...

Энди баралла айтиш мумкинки, худди шу десантларни «ташлаш» кимларгадир сиёсий мақсадлар учун хизмат қилган. «Мана кўриб қўйинг, биз уларга ҳамма соҳада ёрдам бераяпмиз. Бизлар бўлмасак касалликлардан қирилиб кетишарди...» Бу турган-битгани сиёсий найрангбозлик эмасми?!

Юқоридаги гапларимни тасдиқлайдиган далиллар: бу йил илк бора ёзги мавсумда — турли ошқозон-ичак касалликлари болаларга ҳуруж қиладиган пайтда «десант»ларисиз ўзимиз ишладик. Бу касалликлардан болалар ўртасида ўлим ҳодисаси кўпаймади, аксинча ўтган йиллар кўрсаткичида қолди. Демак, мўътадилликни сақлаб туриш — бизнинг саъй-ҳаракатларимизнинг натижаси экан. Хулоса шундай!

— Тўғри. Аммо, Иттифоқнинг парчаланиши билан марказлашган таъминот ҳам издан чиққани маълум. Тиббиётни дори-дармонларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзимдан мисол: отамиз кўп йилларки « бензонал» ҳамдорисн истеъмол қиладилар. Олдинлари бу дори барча дорихоналардан топиларди. Ҳозир эса... яқинда шу дорини топиш учун пойтахтга ҳам бориб келдим...

— Дори-дармонлар танқислиги ўттиз беш — қирқ фоизни ташкил қилади. Бу бутун давлатимизга тегишли

рақам. Олдинлар Иттифоқдаги 130 завод-фабрикадан дорилар олардик. Ўзимизда эса атиги битта шундай фабрика бор, холос. МДҲ таркибига кўрувчи давлатларда вақтинча бўлсада марказлашган шундай таъминотни сақлаб қолиш керак. Бунда ҳам назорат қилиш мумкин бўлади, сифат таъминланади, иқтисодга ҳам ҳарна ёрдами тегади.

АҚШ, Олмония, Япония, Италия, Туркия каби давлатлардан инсонпарварлик тариқасида жўнатилаётган тиббиёт ёрдамлари ҳеч замонда эҳтиёжни қоплай олмайди. Кейинча, ўзимизда ҳам маҳаллий дорилар ўсимликлардан дори-дармон тайёрлаш йўлга қўйилар. Дарвоқе, маълумки, шоли қипиғидан «оскарутин» ва «рутин» каби камёб дори тайёрлаш мумкин. Хоразмда эса шоли кўплаб экилади. Биз ҳозирда худди шундай бирор фабрика қуриш масаласини кўтармоқчимиз. Бу таклифимизни вилоят ҳокими ҳам маъқуллади.

— Воҳада касалликларнинг ошиб бораётганини малакали мутахассислар етишмаслигига боғловчилар ҳам бор. Шу аснода амалдаги йилдан бошлаб 1-Тошкент тиббиёт олийгоҳининг филиали дастлабки юз талабани қабул қилганини бу масалани ижобий ҳал қилади, деб умид билдирасизми?

— Бу масалага тўғри ёндашиш керак. Бизда врачлар етарли. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳам Ўзбекистон дунёдаги энг олдинги ўринлардан бирида туради. Филиалнинг очилишини фақат ижобий баҳоламоқ керак. Негаки, энди марказ — Ургончдаги касалхоналарнинг айримлари клиник касалхоналарга айланади. У ерда малакали врачлар билан бир қаторда олий билимгоҳнинг профессор-ўқитувчилари ҳам даволайдилар, ҳам бўлғуси шифокорларга таълим берадилар.

Малакали мутахассислар масаласига келсак — воҳада тиббиётнинг барча тармоқлари бўйича пухта билим ва тажрибага эга дўхтирлар бор. Тез кунларда марказий шифохонада юрак операцияси бўлими очилади. Киев шаҳрида таниқли кардиолог, академик Амосовда ишлайдиган фан номзоди Қаландар Бобожонов деган ҳамюртимиз бор. У ўз юртига келиб ишлаш, юрак операцияси бўлимини бошқаришга рози бўлди. Биласизми, худди шундай операцияни бажариш учун Москов ва бошқа шаҳардаги клиникалар камида икки юз минг сўм сўрашади. Йўл ҳаражатлари бу ҳисобга кирмайди. Бизда эса ҳаммаси текин бўлади.

Касалликларнинг ошишига ичимлик сувининг яроқсизлиги сабабчи. Ҳатто қувурли сув йўлидан келаётган сув ҳам истеъмол учун яроқсиз, ундаги турли моддалар тиббиёт нормаларидан юқори. Чунки, сув олинаётган дарё аллақачон яроқсиз ҳолга келиб улгурган.

Туркман биродарларимиз Ашгабатда ичимлик сув ишлаб чиқарадиган завод қуришганига анча бўлди. Шу ердан олинаётган сувни бугунда бизга келтириб сотишяпти ҳам. Айтмоқчиманки, қисқа фурсатларда тоза ичимлик суви ишлаб чиқарадиган заводлар қурмасак бу соҳада ўнгланиш бўлмайди...

— Олдинлар Москов Оролбўйига икки хил нуқтаи назар билан қараётганидан куйинардик. Яъни, барча ёрдам ва имтиёзлар Қорақалпоғистонга бериларди. Бу имтиёз ва ёрдамдан айнан шу минтақада жойлашган Хоразм ва Тошҳовуз вилоятлари четда қоларди. Эндиликда-чи?

— Нима десам экан? Бугун Оролбўйидаги таҳлика минтақасида беш миллиондан ошиқ аҳоли яшамоқда. Уларнинг яшаш шароитлари, ижтимоий аҳволи бир хил. Ер шўрланмоқда, ичимлик сув яроқсиз, ҳаво булғанган. Аммо, четдан бўлаётган қараш ҳамон эскича. Масалан, шу йил Олмония Қизил Хоч жамияти экологик муҳит ёмонлашгани учун қорақалпоқ биродарларимизга тўрт ярим миллион олмон маркасини инсонпарварлик ёрдами сифатида берди. Бизга эса...

Тиббиёт ишлаб чиқариш соҳаси эмаски, ўзи ишлаб пул топса. Биз фавқулодда бюджетга боғланган тармоқмиз. Агарда бозор иқтисодиёти талабига кўра барча тармоқларни хусусийлаштириш амалга оширилиб, табобат ҳам пуллик хизматга ўтса борми... унда вазият янада мушкулланиши мумкин.

Р. ҲАСАН суҳбатлашди.



● **АМЕРИКА Қўшма Штатларининг собиқ Президенти Жорж Буш Рональд Рейган маъмурнятининг Ливандаги америкалик гаровга олинганларни озод қилиш учун Эронга яширинча қурол сотганини билган ҳолда бу тадбирга эътироз билдирмаган экан. Америка Қўшма Штатлари собиқ давлат котиби Жорж Шульцнинг «Тайм» ҳафтаномаси саҳифаларида босилиб чиқаётган эсдаликларида ушбу шовшувга сабаб бўлаётган айбнома эълон қилинди.**

● **СИНЬХУА ахборот маҳкамасининг Қатмандудан хабар қилишича, Непал шоҳлигининг Бош вазири Гирижа Прасад Қонрала Непал ўз ҳудудида Хитойга қарши тарғибот юргизадиган бирорта ҳам сиёсий кучнинг фаолият кўрсатишига йўл қўймайди, деб айтган. Бош вазир Непак Коммунистик партиясининг навбатдаги қурултойида иштирок этган Хитой делегацияси вакилларини қабул қилди ва шундай деб айтди.**

● **РОССИЯ Вазирлар Кенгашининг раиси В. Черномирдин Ички ишлар вазирлигига тегишли қарорга қўл қўйиб, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб рули ўнг томонда бўлган енгил машиналарни рўйхатга олишни таъқиқлаш тўғрисида кўрсатма берди. Шу қарорга биноан бундай машиналарни ҳайдаш 1995 йил 1 январдан бошлаб умуман таъқиқланади.**

● **РОССИЯ аҳолиси кўпайиш ўрнига камаймоқда. «Амриқо овози»нинг хабарига қараганда, ўтган йилга нисбатан аҳоли сони 70 мингта озайган. Ҳозирги кунда Россия Федерацияси ҳудудида 148.600 минг киши истиқомат қилмоқда. Одамларнинг ўртача ёши 69 да.**

● **КУНИ кеча Тожикистон олий ўқув юртларида ва мактабларида уч ойлик танаффусдан сўнг ўқишлар бошланди. Халқ таълими вазирлигининг хабарига қараганда, ўқув йили 1 августгача давом этаркан.**

● **УТГАН куни Прагада Чехиянинг биринчи Президенти Вацлав Гавел қасамёд қабул қилди.**

● **ЧЕЧЕН ж[illegible]ўмҳуриятида хизмат машиналарини давлат ҳисобидан маблағ билан таъминлаш тўхтатилди. Шу ҳақда Президент Жоҳор Дудаев фармон чиқарди.**

● **РОССИЯ Президенти Борис Ельцин туғилган кунини оддий қилиб нишонлади.**

● **МОСКВА шаҳар журналистлар Иттифоқи ҳам ўз аъзоларига янги билетларни тарқатди. Журналистларнинг ҳар бири билет учун 250 сўмдан пул тўлашди.**

● **«ЖИГУЛИ» машиналарнинг баҳоси 15 фоизга ошди. Эндиликда «ВАЗ—2106» энг арзон машина ҳисобланади. Унинг баҳоси 1 миллион 943,5 минг сўм. ВАЗ—2109» машинаси эса 2 миллион 978,5 минг сўм туради.**

37-ЙИЛ ҚУРБОНИ

Машриқ Юнусов — ЭЛБЕК ўзбек шеъриятининг 20- ва 30-йиллардаги дарғаларидан бири, ўта сермаҳсул ёзувчиси эди.

Бугина эмас, Элбек ўша давр ўзбек миллий мактаби — педагогикасининг тараққиёти тарафдори, таълимнинг миллий қирраларини қадрловчи ватанпарвари ҳам эди.

У бошланғич ва юқори синфларда ўзбек тили ва адабиёти, ҳуснихатдан сабоқ берган ўта маҳоратли муаллим бўлибгина қолмади, шунингдек, у ўз дарси жараёнида орттирган бой тажрибалари асосида тўплаган материалларни умумлаштириб илмий-услубий мақолалар, дарсликлар, айниқса луғатлар яратган ижодкор-тарбиячи эди.

У ўзбек тилшунослиги соҳасида ҳам кўзга кўринарли тадқиқотлар олиб борди. Маориф институти ва турли педагогика билим юртларида ўзбек тили ва унинг тарихи фани бўйича олиб борган амалий ва назарий дарслари «Луғат ва атамалар» (1924) номли йирик лингвистик тадқиқотининг майдонга чиқишига туртки бўлганди.

Элбек 1898 йилда Тошкентнинг Ҳумсонида таваллуд топган. Эски ва янги мактаблар сабоғи ҳамда олий педагогик таълимни пухта эгаллаган ажойиб шоир ва педагог Элбек ўзбек маданияти, маорифи ва адабиётининг кўзга кўринган вакили, миллатимизнинг истиқлол ва мустақилликка эришиш йўлидаги забардаст курашувчиларидан эди.

У ўзбекнинг буюк зиёлилари — Ғози Олим, Ғози Юнус, Қайюм Рамазон, Мўмин Усмонов, Абдулҳай Тожиев, Ашурали Зоҳирий, Носир Саидий, Наим Саидий, Лутфулла Алимов, Анқобой Худойбахтиев, Аъзам Айюб, Фитрат, Чўлпон, Ёқуб Омонов, Абдураҳмон Ғоибов, Усмон Носир, Зиё Саид каби кўплаб алломалари — ёзувчилари, шоирлари, педагоглари, давлат ва жамоат арбоблари билан ёнма-ён туриб қизил империянинг ноинсоний қилиқлари, қотилликлар, миллатчилик ва шовинистик бедодликлари, камситишлари, таловчиликларига қарши олиб борилган миллий мустақиллик йўлидаги ҳам яширин, ҳам ошкора курашларда фаол иштирок этган эди.

Лекин бу вақтда 37-йилларнинг машъум бўронлари яқинлашиб келаётганди. Даҳшатли қирғин Ўзбекистонда ҳам бошланиб кетди. Шоирни ўша йилнинг 7 августида «миллатчи, аксилинқилобчи, исломпараст ва туркийпараст» сифатида қамоққа олишди. Ва... 1938 йил, 5 октябридаги 15 дақиқалик суд жараёнида Элбек 12 йилга қамалди. Орадан кўп ўтмади. 1939 йили азобларга чидай олмаган шоир турмада жон берди.

Ажойиб шоир, фидойи педагог, тилшунос Элбек тирик бўлганида ҳозир 94 ёшга тўлган бўларди. Ундан бой адабий мерос қолди. 200 дан ортиқ шеър, масал, достон ва лирик таржималари, 50 дан ортиқ илмий-методик мақолалари, публицистик асарлари, ўндан ортиқ эртаклари, ўнга яқин шеърий китоблари, дарслик ва дастурлари чоп этилди.

Қуйида шоир Элбекнинг араб ва лотин ёзувида эълон қилинган ва шу кунгача архивда заъфарон бўлиб, ёруғлик кўрмай келган асарларидан айрим намуналар эълон қилаяпмиз.

КОЛХЎЗ

(КОЛХЎЗ ТУЗИШ ТАРИХИДАН БИР ПАРЧА)

Ўтиб кетди пичан чопиш замони,
Далаларда юз кўрсатди ўзга ҳол,
Калта бўйли арпаларнинг юзлари
Ўзгардилар, бўлишдилар «сариғ тол».
«Чим қишлоқ»нинг ўрта ери — гузарда
Юзларча йил улар кўрган қайрағоч.
Остидоғи самоворда кишилар
Чой ичишиб ҳангомалар дилалар.
Сўз чувалиб, узоқ кетди ҳар сори,
Бири қилди ўз ишидан ҳикоят,
Қизиб қолди сўзчиларнинг бозори.
Бири этди турмушидан шикоят.
Қулоқ қилиб жим-житгина ўтирғон
Батрақлардан бири сўзга бошлади.
Бунинг сўзи чиқиб қолғон қизиқроқ,
Бошқалари ўз сўзларин ташлади.
— Кеча Аҳмад «Қум қишлоқ»ға борибдир,
Унда кўлхўз йиғитларни кўрибдир.
«Кўлхўз» ўзи жуда яхши нарсамиш,
Кирганларга кўп-кўп нарса берармиш.
Ерларини тиракторлар-ла, ҳайдармиш,
Экинларни машинада янчармиш.
Ҳамжиҳатлик билан бари тенг ишлаб,
Топганларин қоқ ўртадан бўлармиш.
Бир чеккада кўк чой ичиб кекириб,
Терларини артиб турғон Қосимбой,
Ҳўкиз каби оғзин очиб бўкириб
Булар сари сўз ташлади жерикиб.
— Нима дейсан колхўз, малхўз нима у,
Ёлғон, тегсиз, фойдаси йўқ нарса-ку!
Мунча оғзинг кўпиртириб мақтайсан,
Сен нодонсен бунинг сиррин билмайсан.
Якка-ёлғиз рўзғор тузиш яхши иш,
Керак эмас, йўқ ишларни гапириш...
Тум аёқлар, батроқ дашшоқ дийқонлар,
Булар сўзи охирига етмасдан,
Ҳар томондан чувиллашиб қолдилар,
Теграларин қуршаб-ўраб олдилар.
— Булар бизни бирлашгали қўймайди,
— Ўзларининг фойдаларин ўйлайди.
— Биз бирлашиб ишлаганда уларнинг
Кажавадек қоринлари тўймайди.
— Алданмаймиз энди улар сўзига,
— Ҳалол омоч сайлов бўлсин ўзига!

ЯНА АЛДАДИНГ

(ЧИҒАТОЙ ГУРУНГИ)

Қўлларингда ушлаб турғон чолғунги
Бир кўришда «чин чолғу» деб ўйладим.
Ўйладим-да юрагимнинг тегидан
Чин севинчли турли куйлар куйладим.
Куйларимни секин-секин тинглағоч,
Ёлғиздан бир алдаб ғина йиғладинг!
Йиғладинг-да, туриб-туриб узоқдан,
Менга боқиб, бир неча сўз сўзларинг!
Ман ҳам санинг узоқлардан мунгланиб,
Айтиб турғон сўзларингни тингларга,
Ёнинг сори секин бориб, ёнишдим
Ёнишдим-да, йўлларимдан одошдим...
Одошмасга қўймадинг сан алдамчи!
Алдадинг, сан бу кун мани, ёлғончи.
Ёш чиқармай, йиғлар туслику ваъданг,
«Тил чолғу» деб чин чолғуни ёширдинг!
Берган чолғунг чолғу эмас-ку, десам:
«Сан чолғуни танимассан!» деб қулдинг!
«Чин чолғуни бер ҳозиро» деб, қичқирсам
«Кулибгина ўйналмайсан!» деб сўкдинг!

(«Иштирокиюн», 1920 йил, 18 сентябрь).

* * *

Ошиқ ёлборди, йиғлаб тўкди ёш,
Бўлди охир қонли ёшлар сирлар фош.

Кеч гуноҳим, ул гуноҳ мендан эмас,
Бунчалик иш ўз қўлимдан ҳеч келмас.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН—ХАЛҚАРО МАЙДОНДА

ХАЛҚИМИЗДА «Йил бошидан қандай бошланса, у шундай давом этади», деган гап бор. Дарҳақиқат, 1993 йилнинг дастлабки кунлариданоқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан январь ойининг дебочасида Тошкентда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг кенгаши ўзининг моҳияти ва мазмуни жиҳатидан ушбу минтақа мамлакатлари тарихида қоладиган воқеалардан бири бўлди. Бир ўқ илдизга эга бўлмиш минтақа халқлари раҳбарлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг Минск учрашуви остонасида ўлкамиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзаро фикр алмашиб, муайян масалалар юзасидан айрим йўналишларни белгилаб олишга муваффақ бўлдилар.

Бу оға-ини, биродар халқларнинг олий мақом оқсоқоллари учрашуви жаҳон мамлакатлари, хусусан Оврупо ва Америқо ва айниқса МДҲ мамлакатларининг айрим раҳбарларини жиддий ўйлантириб ҳам қўйди. «Коса тагида ним коса» қидирган баъзи масъуллар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмон давлатларининг қай бир шаклдаги иттифоқи туғилмоқда, деган башоратлар қилишга ҳам тутиндилар. Зеро, шундай бўлса нима қилибди? Камина бу хусусда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг ўтган йилнинг декабрь ойида Россияда чиқадиган «Аргументы и факты» ҳафталиги мухбири билан ўтказган мусоҳабасида юқоридаги шаклда савол тарзида берилган жавобни ўқиб, ҳаяжондан энтиккан эдим. Кейинроқ эса ушбу саволга тўғри жавобни Президентимиз Ислом Каримов берди: «Минтақа давлатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзолари ўлароқ ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда тўла ҳамкорлик қиладилар».

Чиндан ҳам, 55 миллион нафар аҳолиси бўлган ушбу минтақа табиий бойликларининг бисёрлиги жиҳатидан олчоқ оламнинг нозик иштаҳасини қўзғаб, баъзан минтақалар давлатлари орасида «пинҳоний жунбўшликка» сабаб бўлмоқда.

Ўтган йил давомида Ўзбекистон Республикасининг олий ҳайъати жаҳоннинг 13 давлатига расмий ташриф буюрган экан, бу сафарлар чоғида бир нарсадан қониқиш ҳосил бўлдики, давлатимиз ўзининг иқтисодий, табиий заҳиралар жиҳатидан, мазкур мамлакатлар имкониятлари билан муқояса қилинганда, ноқис жойи йўқлигига имон келтирилди. Фақатгина замонавий технология, ҳозирги кун талаби даражасидаги мутахассислар тайёрланса, ҳеч шубҳасизки, Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан етакчи давлатлар қаторидан ўрин олиши муқаррар. Шу боис, республикамизнинг расмий делегациялари, қайси мамлакатга боришидан қатъи назар, улардан ёрдам сўрамай, балки музокарадошларига ўзаро тенглик ва самарадорлик асосидаги ҳамкорликни таклиф қилди. Ўзбекистон Президенти бошчилигидаги делегацияларни хорижий сафарлари чоғида ва юртимизга хорижий давлатлар масъул раҳбарлари қилган ташрифлар давомида 100 дан зиёд масалага бағишланган шартнома ва битимлар имзоланди.

Жаҳон давлатларининг 66 таси билан элчихоналар даражасида дипломатик муносабат ўрнатилди. Ҳозир 32 мамлакатнинг ваколатхоналари республика ҳукумати ҳузурида қайд қилинган. 20 нафар хорижий давлатлар элчилари ўз ишонч ёрлиқларини Республика Президентига топшириш шарафига муяссар бўлдилар. Аста-секинлик билан Тошкентда чет давлатлар элчихоналари сони ортиб бормоқда. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари очилмоқда. Ҳозирча республикамизнинг элчихоналари икки давлат — Россия Федерацияси ва Туркия Республикасида ишлаб турибди.

Бунга қўшимча қилиб айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консуллари Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Афғонистон ва Исроилда фаолият кўрсатмоқдалар.

Яқинда Республика Президенти ГФРдан келган журналистларни қабул қила туриб, «Ўзбекистон олтин қазиб чиқариш бўйича дунёнинг бу соҳадаги етакчи ўн давлати қаторига киради. Ҳозирча йилига 80 тонна беш тўққиз тамғали олтин олялпмиз. Бизнинг олтин сифати жиҳатидан Швейцариянинг ЮБИЭС банкида меърий ўлчов вазифасини ўтамоқда», деб таъкидлаб ўтдилар.

Юртимизнинг, халқимизнинг фаровон келажаги учун хизмат қилишга бел боғлаган республика раҳбарияти Ўзбекистонни халқаро майдонга олиб чиқишга муваффақ бўлди. Яқин келажак ичида юртнинг олтин сифат жиҳатидан ривожланган давлатлар қаторига кириб боришига ҳеч шубҳа йўқ.

Фақатгина бунинг учун юртимизда ва атроф мамлакатларда тинчлик бўлиб, мамлакатимизда аҳиллик, сиёсий барқарорлик, миллатлар турли сиёсий оқимлар ўртасида иноқлик бўлмоғи лозим. Шундагина кўзланган ниятимизга тезлик билан эришамиз.

А. ЛУҚМОНОВ.

ДАНГ. БАРАНГ ОЛАМ

СОЧ ҲАМ ЯНГИЛАНИБ ТУРАДИ

● ФАНДА кўп нарса исботланган ва аниқланган. Шунингдек, бошда қанча соч бўлиши ҳам. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, инсон бошининг бир квадрат сантиметр жойида 346 дан 460 донагача соч бўларкан. Шундан 308—426 таси узун ва ўрта, 28—34 таси тук ҳолда бўлади. Битта соч 50 кундан 150 кунгача яшайди. Бироқ аёлларники бир неча йил умр кўради. Аёлларнинг сочи эркакларникига қараганда анча тез ўсади, айниқса, 15 дан 30 ёшгача бўлган даврда. Ёш ўтгани сари соч ўсиши секинлаша боради, шунингдек, сочнинг йўғонлиги ингичкалашади, пишиқлиги йўқолади ва сийраклашади.

50—60 ёшга борганда аёлларда ҳам, эркакларда ҳам соч ўсиши сезиларли даражада секинлашади. Агар организм соғлом бўлса тепа сочлар кунига 0,3—0,4 миллиметрга (бошнинг қолган қисмларида секинроқ) ўсади. Бир кунда 40—60 та соч тушиши нормал ҳол ҳисобланади. Бу тушган сочларнинг ўрнига янгиси ўсиб чиқади.

ШВЕДЛАРНИНГ РЕКОРДИ

● ҒАРБДА касаллик таътилига чиқишда шведларга етадигани йўқ экан. Чунки улар ишдан кўра, касаллик таътилида кўпроқ юришади. Бунга сабаб ҳукуматнинг фуқароларга берган енгилликларидир, дейишмоқда мутахассислар. Ҳақиқатан ҳам ҳукумат ишчи-хизматчиларга анча ён босган. Масалан, касаллик таътилининг биринчи олти кунига «булутун» талаб этилмаган ҳолда 100 фоиз иш ҳақини тўлайди. Касаллик 6 кундан кейин ҳам давом этсагина дўхтир ҳужжати бўйича иш ҳақининг 90 фоизи миқдорида ҳақ тўланади. Бундан ташқари ижтимоий варақасига қараб дори-дармонлар 50 фоиз арзон нархда берилади. Шунинг учун ҳам уларга берилган енгиллик сабаб ўтган йили ҳаражат мамлакат чўнтагидан 72 миллиард кронни суғуриб кетди.

ҚАРИНДОШЛАР УЧРАШГАНДА

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ҲАМДЎСТЛИК ЧЕМПИОНЛАРИ ТУРНИРИ ХУСУСИДА

Мусобақа ўтказилиши ҳақидаги хабар кўнглимизга бир қадар таскин берди. Чунки кучли жамоамиз собиқ қариндошларимиз билан баҳсларда ўзининг нималарга қодир эканини синаб кўра олиши, шубҳасиз, футболимизнинг келажагини аниқроқ тасаввур қилишга, бу борадаги фаолиятимизни режалаштиришга ўз таъсирини кўрсатади. Балки айнан шу сабабдан ҳам бир вақтлар «ўз ихтиёри» билан ажралиб чиққан Гуржистон ва Литва футболчилари, ўз давлатлари МДҲга аъзо бўлмасалар-да, турнирда қатнашиш истагини билдиришди. Демак, яхши ният билан ишга киришилса, барчага маъқул натижаларга эришиш мумкин эканлигини футбол яна бир бор намойиш этди.

Ушбу мусобақа «Ҳамдўстлик чемпионлари кубоги», деб аталса-да, унда қатнашган жамоаларнинг фақат бир қисмигина чемпионлардир. Булар Бокунинг «Нефтчи», Ригаининг «Сконто», Кишинёвнинг «Зимбрул», Ашгабоднинг «Копетдоғ», Таллиннинг «Норма», Бишкекнинг «Олға», Москванинг «Спартак» футболчиларидир. Арманистондан ўзбек мухлисларига яхши таниш Хорен Оганесян раҳбарлигида ўтган йилги миллий биринчиликнинг кўш ғолибидан бири бўлган «Омендмен» жамоаси қатнашган бўлса, Ўзбекистон шарафини Тошкентнинг «Пахтакор»чилари ҳимоя қилишди.

Тожикистондан ўтган йилги биринчиликда иккинчи ўринни эгаллаган Турсунзоданинг «Регар» футболчилари бугунги кунга келиб деярли тамомила тарқалиб улгурган Душанбенинг «Помир» жамоаси ўрнига Москвага боришди. Бу ҳақда, жамоа бошлиғи Виктор Раимжоновнинг айтишича, улар мусобақалар бошланишига 10 кун қолгандагина хабар топишган.

Беларусь чемпиони — Минскнинг «Динамо» жамоаси мусобақага узрли сабабга кўра кела олмади. Миллий терма жамоанинг ўзагини ташкил қилган минскликлар (терма жамоада ўндан ортиқ динамочи ўйнайди) океан ортига Аргентина, Перу, Эквадор сафарига жўнаб кетишди. Москвага эса «Динамо»нинг ўтган йилги ўринбосарлари ташриф буюрди.

Литванинг 1992 йилги чемпиони Вильнюснинг «Жальгирис» клубидир. Бироқ Москвага миллий футбол федерацияси Паневежиснинг «Экранас» жамоасини юборишга қарор қилибди.

Украина чемпиони «Таврия» Москвага келишни жуда-жуда хоҳлаган эди. Бироқ миллий футбол федерациясининг президенти Виктор Банников азалдан «Москва»га «тобе» бўлишни ёқтирмаслиги туфайли қримликлар мусобақада қатнаша олмадилар.

Жамоалар мусобақаларни тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда бошлашди. «А» гуруҳида «Сконто»ни 8:0, «Нефтчини 7:0 ҳисобида йирик мағлубиятга учратган москваликлар ярим финалга йўлланма олишган бўлса, «Д» гуруҳида барча рақибларини енгган «Беларусь» зафар қучди.

«С» гуруҳида кескин вазият вужудга келди. Дастлаб «Қайрат» (3:2), сўнгра «Экранас» (5:1) «Олға»ни мағлубиятга учратишди. «Қайрат» литваликлар билан ҳал қилувчи учрашув олдидан беҳуда куч сарфламаслик учун ҳатто россиялик ўсмирларга қарши майдонга ҳам тушмади. Гуруҳ ғолибини аниқловчи ўйинда ҳисоб очилмади ва тўплар нисбатига кўра «Экранас» ярим финалга йўлланмани қўлга киритди.

Энди қўш чемпионимизнинг бири «Пахтакор» мусобақалашган гуруҳ учрашувлари тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтсак. «Копетдоғ» ва «Зимбрул» ўртасидаги дастлабки учрашувда 6:1 ҳисобида туркман футболчилари зафар қучишди. Улар орасида бизга яхши таниш Муҳадов фаоллик кўрсатди.

Гуржистонда бир неча ойдан бери уруш ҳаракатлари давом этаётганидан хабардорсиз. Аммо ҳатто уруш ҳам футболни тўхтата олмаслигини ана шу мамлакат мисолида кўрдик. Ҳозир Гуржистоннинг мустақил 4-чемпионатида биринчи давра якунланиб, Тбилисининг «Динамо»си якка пешқадам бўлиб турибди. Жамоада биз собиқ СССР биринчиликларида кўрган футболчилардан деярли ҳеч ким қолмаган бўлса-да, грузин футболига хос анъанавий ўйин услуби сақланибди. Футбол мухлислари учрашув 5:2 ҳисобида якунланганидан хабардор бўлишлари керак. Бироқ мухлисларнинг аксарияти ўйин атрофида ҳам «ўйин» бўлганлигини билмасликлари мумкин. Учрашув бошланишидан икки соат аввал «Динамо» раҳбарлари «Пахтакор» таркибида Миржалол Қосимовнинг майдонга тушмаслигини талаб қилиб чиқишди. Гуржистонликларнинг фикрича, Миржалол «Пахтакор»да ўйнаш учун Россия футбол иттифоқидан махсус рухсатнома олиши керак эмиш. Бизникилар Қосимов Владикавказнинг «Спартак» жамоасида ўзаро шартнома асосида вақтинча ўйнагани, ўтган йил давомида «Пахтакор» таркибида рўйхатда турганини исботлагунларига қадар анча асабийлашишга тўғри келди. Балки шунинг учун ҳам ташаббус учрашув бошиданоқ рақибларимиз томонида бўлди. Шота Арveладзе ва Кудинов биринчи бўлимда, Кавелашвили, яна Шота Арveладзе ва Кавраухелия иккинчи бўлимда бешта тўп киритгандан сўнг ўйин жиловини бироз қўлдан чиқарган грузин футболчилари ўз дарвозаларидан ҳам икки тўпни ўтказиб юборишга мажбур бўлдилар. «Пахтакор»дан тўпларни Валерий Кечинов билан Собир Ходиев рақиб дарвозасига йўллади.

Иккинчи куни «Копетдоғ» — «Пахтакор» учрашуви олдидан Миржалол Қосимов муаммоси яна кўндаланг бўлди. Бу сафар Россия футбол иттифоқи ташаббуси билан кўтарилган масала тошкентликларнинг ҳақлигини тан олиш билан якунланган бўлса-да, ўйиннинг боришига ўз таъсирини ўтказиб улгурди. Миржалол майдонга биринчи бўлим охирларидагина тушди. Бу пайтга келиб, рақибларимиз ҳисобни очишган эди.

Бироқ, рақиб ҳар қанча уринмасин, кўзлаган мақсадига эриша олмади. Бунинг асосий «айбдори» деб бемалол Миржалол Қосимовни айтса бўлади. Байрам Дурдиев ҳам «Бизни ёлғиз Қосимовнинг ўзи мағлуб этди» деб тан олди. Аввалига моҳир ярим ҳимоячимиз чамаси 30—35 метр масофадан туриб дарвозабонни доғда қолдирди. Унинг тепган тўпи дарвозанинг ўнг юқори бурчагига тушди. Бир оздан сўнг «Копетдоғ» дарвозабони Коробко Миржалол тепган жарима тўпини ҳам қайтаришга ожизлик қилди. Нўъмон Ҳасановни жарима майдонида қўполлик билан йиқитишгани учун белгиланган 11 метрлик тўпни Валерий Кечинов моҳирлик билан дарвозага йўллади ва якуний ҳисоб 3:1 бўлишини таъминлади.

Гуруҳ бўйича рақибларимизнинг учрашуви фақат биринчи бўлимдагина кескин ўтди. «Зимбрул» танаффусга 1:1 ҳисобида чиқишга эришди. Аммо иккинчи бўлимда тбилисиликлар ташаббусни қўлга олиб ғалаба (3:1) қозонишди. Бу сафар ҳам Шота Арveладзе икки тўпнинг муаллифи бўлди.

Якунловчи тур олдидан уч жамоа ярим финалга чиқиш имкониятига эга эди. Тбилисиликлар учрашув тугашига 9 дақиқа қолганда «Копетдоғ» дарвозасига иккинчи жавоб тўпини йўллаб ҳисобни тенглаштирдилар ва 5 очко тўплаб гуруҳ ғодиби бўлдилар. «Пахтакор» «Зимбрул» ўйинида 3:3 ҳисоби қайд этилди.

Ярим финалларнинг дастлабкисида «Беларусь» ва «Экранас» на асосий, на қўшимча вақтда дарвозаларни аниқ нишонга ола билмадилар. 11 метрлик белгидан тўп тепишда омад беларуслик футболчиларга кулиб боқди.

Турнирда энг чиройли ва кескин учрашувлардан бири «Спартак» билан тбилисилик «Динамочи»ларнинг баҳси бўлди. Ҳисобни меҳмонлар очишди. Бурчакдан узатилган тўпни Шелия Черчесов дарвозасига боши билан аниқ йўллади. Иккинчи бўлимда катта қийинчилик билан бўлса-да, москваликлар рақиб дарвозасини икки бор ишғол қилишга эришди. Ҳал қилувчи тўпни ўтган йили Россиянинг энг кучли футболчиси деб тан олинган Виктор Онопко учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда киритди.

Шундай қилиб, январь ойининг сўнгги оқшомида «Ҳамдўстлик чемпионлари кубоги» учун бевосита баҳсда сунъий гиламга «Спартак» ва «Беларусь» футболчилари чиқишди.

Футболнинг чинакам мухлислари финал ўйини ҳақида «Останкино» телекомпанияси олиб берган репортажни томоша қилган бўлишлари керак. Сунъий майдонда ўйнашнинг ҳавосини олган, таркибида кўплаб кучли ўйинчилар тўпланган Россия чемпиони учрашувда 8:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Тўпларни Пятницкий, Онопко, Бесчастних иккитадан), Писарев ва Радченко киритишди. Ўйин москваликларнинг тўла ташаббуси билан ўтди. Ҳисоб ҳатто 10:0 ёки 15:0 ҳам бўлиши мумкин эди.

«Спартак»нинг зафар қучиши бежиз эмас, албатта. Жамоа Оврупо мамлакатлари кубок эгалари кубогининг чорак финал баҳсларига тайёргарликни қизғин олиб бориб, январь ойи давомида Олмония ва Голландияда қатор учрашувларда иштирок этиб қайтди. Гамбургда ўтказилган мусобақада учинчи ўрин билан кифояланган москваликлар, Дортмундда катта футболда донг чиқарган «Кёльн», «Шальке—04», «Боруссия» каби жамоалар билан баҳсда турнир ғолиби бўлишди. Ҳал қилувчи учрашувнинг сўнгги сонияларида юртдошимиз Андрей Пятницкий киритган тўп «Спартак»ка ғалаба келтирди. Дарвоқе, Андрей ҳамдўстлик чемпионлари баҳсларида ҳам мутахассислар ва мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Москвадаги турнир барча қатнашчиларга фойда келтирди. Келгусида шу каби мусобақаларни мунтазам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бироқ, бизнинг фикримизча, турнирни қишда ва сунъий майдонда эмас, балки барча учун тенг шароит яратиб очиқ майдонда ва ёз ойларида ўтказиш маъқулроқ бўларди.

Бир ҳафта давом этган мусобақа кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Афсуски, ўзбекистонлик ишқибозлар ушбу мусобақа ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўла олмадилар. Бу каби нуфузли мусобақада республикамиз вакили ҳар куни ёки ҳар ойда ҳам иштирок этавермаслигини эътиборга олиб, телевиденниемиз «Пахтакор» учрашувларини намойиш қилса, жуда бўлмаганда, 31 январь кунги «Футбол майдонларида» кўрсатувида «Пахтакор» урган голларни мухлислар эътиборига ҳавола қилса ишқибозларга катта совға бўларди. Афсуски, ЎзТВ спорт таҳририятидагилар йўл-йўлакай маълумот бериш билан чекланишди. Фақат «Спорт» газетасигина Москвага махсус мухбирини юбориб, турнир ҳақида батафсил материалларни чоп этди. Аммо «минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши» деб бежиз айтишмаган. Футбол телевидение ва матбуотда қандай ёритилиши хусусида алоҳида сўз юритиш зарурга ўхшайди.

Ҳозирча шу ерда якун ясасак: «Пахтакор» турнирда ўз имкониятлари даражасида қатнашди. Мусобақа йиғитларимиз учун яхши мактаб бўлди деб ўйлаймиз.

Мирзаҳаким ТУХТАМИРЗАЕВ.

БМТ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ ТАЛАБ ҚИЛИНМОҚДА

Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 799-қарори амалга оширилишини талаб қилади. Бу қарорда Исроил маъмурлари зиммасига ҳайдаб юборилган барча фаластинликларнинг ўз жойларига дарҳол қайтариб юбориш мажбурияти юклатилган эди. Тунис радиосининг хабар қилишича, ФОТ ижрокомининг аъзоси Ёсир Абд Раббо сешанба куни шу ҳақда баёнот берди. Исроил ҳукуматининг сургун қилинган фаластинликларнинг учдан бирига яқинини қайтариш ҳақидаги қарорини ФОТ қатъиян рад қилади ва «Америқо—Исроил келишуви»ни қоралайди, деб таъкидлайди у.

«Юз нафардан сал кўпроқ фаластинликнинг қайтиб келишига рози бўлиш», — деди ФОТ вакили — БМТ Хавфсизлик Кенгашининг шу масаладаги ишига ҳалақит беришни ва сургун қилинган барча Исроилларни қўллаб-қувватлаш халқаро кампаниясини барбод этишни билдиради». Ё. Абд Раббо Исроилни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 799-қарорини бажаришга мажбур қилиш учун унга қарши жазо чоралари кўришга яна бир бор даъват қилди, деб ёзади РАТА—ТАСС мухбири Работдан.

АВИАКОМПАНИЯ ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

Мамлакатимиз миллий авиация компанияси — «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг Тошкентдаги Бош дирекциясида компаниянинг чет эллардаги вакиллари билан семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда қатнашиш учун Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Исроил, Саудия Арабистонидан ҳамда бизнинг самолётларимиз мунтазам қатнаб турган бошқа мамлакатлардан вакиллар келишди.

— Тўла мустақилликка эришилганлиги, бозор муносабатларига ўтилаётганлиги ишимизга сифат жиҳатдан янгича ёндашувларни ҳам тақозо қилмоқда, — дейди республика миллий авиация компанияси бош директорининг ўринбосари А. Рўзметов. — Ҳозир ўнта хорижий давлатда бизнинг ваколатхоналаримиз ишлаб турибди. Барча хизматларнинг ўйғунлигини таъминлаш, йўловчиларга хизмат қилишни яхшилаш мақсадида мана шу семинар ўтказилмоқда. Ҳозиргача компаниямиз муайян тажриба орттирди, хорижий ҳамкорлар билан ҳамжиҳат бўлиб ишлашга эришди. Шундай қилмай туриб ўнлаб рақиблар ишлаб турган жаҳон авиация бозоридан муносиб ўрин олиб бўлмайди.

Ҳозир ўзбек авиаторлари яна иккита олис манзилга — Германия ва Бангкокка йўл очишмоқчи. Экипажлар белгилаб қўйилди, дастлабки техникавий иш бажарилди. Биринчи даражали янги техника сотиб олиш масалалари ҳал этилмоқда.

СУРАТДА: семинар-кенгаш қатнашчилари.

Р. ШАГАЕВ сурати (ЎзА).

Митти юлдузлар

ЖУДА яхши эслайман: ўқувчилик йилларимизда кўп тенгдошларимиз шеър ёзишга уриниб кўришган. Бу ишни ўзига эп билмаганлари ҳам хотира дафтарлари тутиб чиройли-чиройли шеърларни кўчириб юришарди.

Лекин кейинги йилларда бу урф мактаб ўқувчилари орасида жуда кам учрайдиган бўлиб қолди. Яхши-яхши одатларимизнинг изсиз йўқолиб кетаётганини кўриб афсусланмасликнинг иложи йўқ, албатта.

Шу маънода куни-кеча Тошкент шаҳри ўқувчилари орасида «Ёш шоирлар кўрик-танлови» ўтказилишини эшитиб, пойтахтимиздаги Алишер Навойи номли адабиёт музейига шошилдик.

Даврага ёш шоирлар ва уларнинг муаллимлари йиғилган. Таниқли шоирларимиз Нилуфар ва Йўлдош Эшбеклар эса мушоира қатнашчиларининг азиз меҳмонидирлар.

Кўрик-танловда 20 га яқин ёш қаламкашлар ўз машқларидан ўқидилар. Уларнинг синфи, ёши, бўй-басти, ёзган шеърлари ҳам турлича. Лекин танлаган мавзулари асосан бир хил: она, Орол, Афғонистон, етим болалар ва мустақиллик ҳақида.

Эҳтимол, юқоридаги гапларни ўқиб, фарзандларимиз анча илгарилаб кетишибди-да, деб ўйлаётгандирсиз. Хулоса чиқаришга шошилманг!

Даврада ўқилган қуйидаги шеърнинг шул мисраларига диққатингизни тортмоқчиман: (муаллифнинг исми-шарифини ёзиш шарт эмасдир)

Йиғлама, эй, Орол, ҳали келади
Сенинг ҳам элингга кўкариб баҳор
Ҳали бағринг кетади гулларга тўлиб
Фақат йиғламагин, жон Орол, зинҳор!

Денгизнинг йиғлаши ва бағри гулга тўлиб кетишини тасаввур қилиш ёки баднийлик деб тушуниш қийин. Бунинг устига шеър «Наҳотки ажалинг яқиндир Орол!» деган совуқ бир сатр билан тугалланади. Шеър чинакам санъат, гўзаллик дегани.

Зотан, ҳар қандай сўзни шеърга зўрлаб сиғдириб бўлмайди. Уни ўқиганда кишининг кўнгли завққа, ҳаяжонга тўлмоғи, бир сўз билан айтганда, мудраб ётган ҳислари уйғонмоғи керак. Айтмоқчи бўлган гапимни зукко муштарийларимиз англаган бўлсалар керак. Шундай бўлса-да, фикримни севимли шоиримиз Йўлдош Эшбекнинг кечада айтган ушбу сўзлари билан яна ҳам ойдинлаштирмоқчиман:

— Шеърни ҳар ким ўзича, самимий ўқишга ҳаракат қилиши керак. Оҳанг ҳаддан ташқари кучайиб, шеърдаги нафислик ва мазмун сусайиб кетиши мумкин. Қоларса, одам ўзига ўзи мафтун бўлган жойда кўпинча мағлубиятга учрайди. Ўзидан қониқмай яшаган пайтларидагина киши улғаяди. Ҳақиқий шеърни оддий сўзлашув тилига, мақолага ёки романга айлантириб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, фақат шеърдагина айтиш мумкин бўлган гапларни шеър қилиш керак.

Кечада яна кўп шеърлар ўқилди. Улар орасида 234-мактаб ўқувчиси Наргиза Тоирова, 284-мактабдан Барно Хўжаева, 165-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Дилдора Нажмиддинова, 241-мактаб ўқувчиси Муҳаммаджоновалар нинг машқларидаги тиниқ сатрларни бефарқ тинглаш мумкин эмас. Айниқса, Барно Хўжаеванинг:

Юракда сўзларим оҳга айланди,
Дилимда армонлар доғга айланди.
Бағримда аламлар шохга айланди —
Қаён йўл олурсан юракда борим!

деган сатрларини тинглар экан, кўнглига аламлар подшоҳлик қилаётган лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини кўз олдингизга келтириб беихтиёр сесканасиз ва бу шеърни 14 ёшли қаламкашнинг топилмаси деб баҳолагингиз келади.

Бу кўрик-танловнинг ўзига хослиги шунда бўлдики, унда бир йигитни ҳисобга олмасак, ўғил болалар мутлақо қатнашмади. Нахотки, йигитларимизнинг адабиётга қизиқиши қизларникидан камроқ бўлса ёки уларда шеъриятга иштиёқ мактаб ёшидан ўтганларидан сўнг уйғонармикин! Ахир ўзбек ва жаҳон адабиётидаги забардаст асарларнинг катта қисми эркак адиблар томонидан яратилган-ку! Мен бу саволни ҳозирча жавобсиз қолдириб, мушоирада иштирок этган ёлғиз ўғлон — Тошкент шаҳридаги 22-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси Сайидолим Бурҳоновнинг машқлари ҳусусида тўхталмоқчиман. Унинг шеърларидаги соддалик, болаларча топқирлик ва ростгўйлик билан айтилган фикрлар менга жуда ёқди. Шунинг учун ҳам унинг битта шеърини тўла ҳолда сизларга етказмоқчиман:

Бир кун қора мушук билан
Дўст бўлибди қув сичқонча.
Кетаётиб улар бир пайт
Топишибди буғдой анча.
Буғдойни ун қилиб улар
Ёпишибди саккизта нон.
Нонлар ўтда қизариб
Етилиб пишибди чунон
Шунда дебди қора мушук:
Кел сичқонбой нонни ейлик,
Тўртта сенга, тўртта менга
Орамизда бўлсин тенглик».
Йўқ-йўқ, — деб шунда сичқон, —
Бу менга кам, жудаям кам.
Яна учта бергин менга,
Буларни ер катта акам!»
Жаҳли чиқиб Мушуквой ҳам
Ташланибди Сичқон томон.
Нонини ҳам ташлаб ҳатто
Жон ҳолатда қочди сичқон.
Шундан буён иккаласи
Бир-бирига душман экан.
Мушуквойдан қочиб сичқон
Ковакларда яшар экан.

Сайидолимнинг бошқа машқларини ҳам ўқиб, йигитларимизнинг кучига ишонгимиз келди. Эҳтимол, улар озгина камтарликлари ёки жиндек мағрурликлари туфайли бу мушоирада қатнашолмагандирлар деб ўзимизга таскин бердик.

Бу кўрикнинг бошқа танловлардан яна бир фарқи шунда бўлдики, унда мағлуб ҳам, ғолиб ҳам аниқлангани йўқ. Зеро, шеър баҳси бировни йиқитиш эмас, ўзини ўзи енга олиш демакдир. Ўша куни ёш шоирларнинг ҳаммаси Алишер Навойи номли адабиёт музейидан қўлларида гул билан қайтдилар. Биз эса бу гулларни ёш шоирлар ёзилажак яхши ва янги шеърлари учун берилган омонат деб қабул қилишларини истардик.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Туркистон» мухбири.

Шеър азиз олам аро

Халқаро шартнома имзоланди

Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар жумҳурият маркази 26—27 январь кунлари кўҳна Турон юртида жойлашган ҳозирги олти жумҳуриятдан келган халқ ижодиёти, урф-одатлар ва удумлар бўйича мутасадди кишиларни бирлаштирувчи марказга айланди. Шу кунлари бу ерда бўлиб ўтган мулоқот натижасида Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон Республикаларида мазкур соҳаларга масъул идораларнинг раҳбарлари 1993—1997 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик юзасидан шартномага имзо чекдилар.

Бундай учрашувнинг Тошкентда ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Йилнинг бошида шу ерда Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари давлат бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтган эди. Президентлар мулоқоти халқларимиз, юртларимиз орасидаги ҳар томонлама ҳамкорликларга кенг йўл очиб берди.

Маданият арбоблари бу сиёсатни маъқуллаб қолмасдан, мазкур халқаро алоқаларни ўз соҳаларида қилинажак ишлар билан қўллаб-қувватлашлари зарурлигини чуқур ҳис этдилар.

Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар жумҳурият марказининг раҳбари Деҳқонбой Ҳусанов ўзининг Марказий Осиё мамлакатларидаги ҳамкасбларига мактублар йўллаб, уларни Тошкентга мулоқотга даъват этди. Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги раҳбарияти бу ташаббуснинг амалга ошишига раҳнамолик қилди ва ҳар томонлама кўмак берди.

26 январь куни учрашувни Ўзбекистон маданият ишлари вазирининг муовини Н. Иброҳимова кириш сўзи билан очгач, уни вазирлик бошқарма бошлиғи Р. Хўжаев олиб борди. Биринчи куни вакиллар Ўзбекистон халқ ижоди маркази тайёрлаган шартнома лойиҳаси, шу ҳужжат бўйича ўтказиладиган аниқ тадбирлар рўйхати, уларнинг ўтадиган жойлари ва муддатларини муҳокама қилдилар. Шартномага кўра томонлар ҳар йили бадиий ҳаваскорлик жамоалари алмашиниши, қардош жумҳуриятларда ҳаваскор рассомлар ва халқ амалий санъати усталари асарларининг сотувли кўргазмаларини ташкил қилиш, ҳар йили республикалардан бирида «Мерос» халқ ижодиёти фестивалини ўтказиш, халқ ижодиётининг муайян соҳаларига бағишланган илмий экспедициялар ташкил қилиш, илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, шу муаммолар юзасидан мақолалар тўпламлари чиқариб бориш, кадрлар малакасини ошириш бўйича бир-бирларига кўмаклашишга келишиб олишди.

Учрашувнинг иккинчи куни эса тузатишлар ва ўзгартиришлар киритилган шартнома матни қабул қилинди ва уни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Шартноманинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида республикаларо кенгаш тузилди, унинг низоми қабул қилинди. Кенгашга Деҳқонбой Ҳусанов раис этиб сайланди. Кенгашнинг навбатдаги йиғилиши 1994 йил Қозоғистон республикасида бўлиб ўтади.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон халқ ижоди марказида очилган рассомлар Искандар Воҳитов, Эркабой Машарипов ва Нишонбой Акрамовларнинг асарлари кўргазмасини томоша қилдилар.

Абдуғани АБРАЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика марказининг масъул ходими.

Суратлар муаллифи: Аҳмаджон САФАРМАТОВ.

Москвадан бир кино кўрсатишди. Кино қаҳрамони — қари бўйдоқ ҳеч уйланишга жазм этолмайди. Сабабини эса «бир киши ҳар доим сен билан бирга, кун бўйи кўз олдингда, у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа ўтиб юраверса, бу даҳшат-ку», деб изоҳлайди.

Васила опа ва Абдукарим акалар эса 27 йилдан буён бирга яшашди. Лекин ҳали қари бўйдоғимиз айтмоқчи «даҳшатни» сезишгани йўқ.

Айтишларича, жуда аҳил икки фазогир узоқ муддат осмонда бирга яшашса, бир-бирларини қатто ёмон кўриб қолишаркан, гўёки гаплашадиган гаплари, берадиган маълумотлари қолмаслиги бунга сабаб бўларкан. Наҳотки, 27 йил бир бошпанадан паноҳ топган икки кишининг айтилмасдан қолган гаплари бўлса?

ЮК КЎТАРГАН ЮЗАГА ЧИҚАДИ

— Кап-катта аёл бир-биримизсиз туролмаймиз, десам уят бўлар. Лекин амакингиз ишдан қайтгунларича бамаслаҳат ҳал қиладиган юмушларимиз, айтадиган гапларимиз тўпланиб қолади. (Абдукарим ака Андижонга қатнайдиган автобус ҳайдайдилар) Балки бу ўрганишдир, лекин бир-биримизнинг зериккан вақтимизни эслолмайман.

Ўзбекларнинг феълини биласиз, болам-чақам деб ўзини унутиб яшайди. Бизда ҳам шундоқ бўлди. Кетмакет олти фарзанд кўрдик. Унисини боғчага, бунисини мактабга жўнатиб кунлар ўтаверди.

— Васила опа, келин бўлиб тушган пайтларингизни бир эсланг. Қандай хонадонга тушгансиз? Ўрганиб кетиш қийин кечмаганми?

— Ўзим оилада битта қиз эдим. Анча яхши яшардик. Дадам катта вазифаларда ишлаганлар. Мактабни битириб, медицина техникумига ўқишга кирдим. Тугатган йилим турмушга узатишди. Онам фотиҳа қилиб шундай дедилар: «Юк кўтарсанг, юзага чиқасан болам, мени куймасин десанг, тушган жойингда томир отгин. Сув келса симириб, тош келса кемириб яша». Айтганларини қилиб ёмон бўлмадим.

Не-не умидлар билан ўқишни битириб, янги иш бошлаган кунларим эди ўшанда. Бир куни ишга отланиб чиқсам, қайнотам йўқладилар. «Қизим ишга бормайсиз. Касбингиз аёлу-эркак билан кўришишни тақозо қиларкан. Бу бизнинг оилага тўғри келмайди», — дедилар. Ўша кундан бошлаб ишни йиғиштирганман.

— Наҳотки ҳеч нарса демадингиз ёки эрингизга шиқоят қилмадингиз?

— Йўқ. Оғиз очиб, эътироз билдирганим йўқ. Қандай оилага келин бўлиб тушганимни дастлабки кунлардаёқ сезгандим. Қайнотам маҳаллада катта домла эдилар.

— Аксарият ҳолларда қайнона-келин бир-бирларидан норизо бўлиб яшайдилар. Қайнонангиз билан ораларингда ҳеч гап қочганми?

— Раҳматли қайнонам фариштасифат аёл эдилар. Бир оғиз ёмон гапирганларини, овоз чиқариб қарғанганларини эшитмаганман. Бир уй боланинг ҳаммасига ширин сўз топардилар. Уй ишига ҳам, болаларга ҳам қарашардилар.

— Ҳозир бўлса дадасини боқиб қўйганман деб, набирасини қўлига олмайдиганлар қанча. Болаларимни ёлғизқўл катта қилганим учунми, бундайларни қоралайман. Ҳеч бўлмаса, чилла ичи набирасини парвариш қилмаган бува бувимас дейман.

— Меҳр ҳам шунга яраша бўлади-да, қизим. Катта ўғлимнинг биринчи боласини ўзим боқиб бердим. Туғилганда икки килогина эди. Онасининг қони боласиникига тўғри келмади. Қачонки боланинг қонини алмаштиришса, уни эмизиш мумкин бўлади, дейишди. Бунга мен кўнмадим. Ўзим амаллайман, дедим. Кечаю-кундуз сут илитиб оғзига тутдим. Келиним буни унутади, дейсизми. Ойижон, деб айланиб-ўргулади. Ҳозир алоҳида яшашса ҳам набирам бир ҳафта, ўн кун биз билан туриб кетади.

— Уйни ўзлари олишдими? Ёки...

— Қиз кўрган ота-она ўша кундан сандиққа сеп ташласа, ўғли бор одам иморатга уннайди. Ҳеч бўлмаса терак экади, ёғочидан ўғлим уй тикласин, деб. Бу ота-онанинг қарзи. Шунча йил яшаб, ота-она таҳлолмаган ғиштни, ҳаётга энди қадам қўйган фарзанд қаердан олсин?

— Ҳамма ота-оналар ҳам шундай ўйлашмайди. Катта қилдим, энди ўзинг уйланиб, жойланиб ол, дейдиганлар ҳам бор.

— Болалар ҳам шунга яраша жавоб қайтаришади. Хунукроқ бўлса ҳам айтай, кучук ҳам болалайди. Одамнинг фарқи шуки, бола олдида масъулияти бор. Ота-она ана шуни ҳис этиб яшашса, болалар ҳам ота-оналари олдидаги бурчларини унутмайдилар. Аслида ҳам бола ёмонми, ота-она ёмон. Фарзанд бахтсизми, демак, ота-она айбдор.

— Саволим бироз ғалатироқ бўлса ҳам айтай. Оилада ким хўжайин, Сизми, амакимлар?

— Кенгашли тўй тарқамас, дейишади. Бизам шунга амал қиламиз. Ҳамма ишни бамаслаҳат ҳал этамиз. Арзимаган буюм харид қилишдан тортиб, каттароқ юмушларгача. Амакингиз мулоҳазали кишилар. Нима гап бўлса, менинг олдимдан ҳам ўтадилар.

— Ҳозирги йигитлар эса эркакликларини исботлаш учун ҳам ўз билганларича иш тутадилар. Ишлаб келишу, уйда пайтларида газета ўқиб, телевизор томоша қилиш — уларнинг вазифаси. Хотинларининг тенгма-тенг ишлаб келгани-ю, қозонтовоқ, кир, бола-чақа билан ўралашиб қолгани билан ишлари йўқ.

— Бизникида ундай эмас, кенжа ўғлим ҳозир тушлик қилаяпти. Овқатланиб бўлиб, идишини ўзи ювиб, ўзи дастурхонини йиғиштиради. Бўлмаса, уйда опаси, келинойилари бор. Шунга одатланганда. Уйим-жойим деган эркак хотинига бепарво бўлолмайди.

— Ҳеч аразлаб уйга кетганмисиз?

— Худо сақласин, бориб нима қилардим. Барибир ажрашиб кетмасам. Эрим уради, сўкади деёлмасам. Уйдагиларни ташвишга қўйганим қолармиди? Кексалар айтишади-ку, эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши деб.

— Халқимизда кундош-кундошга пахта, овсин-овсинга тош отади, деган гап бор.

— Мен учинчи келин эдим. Ҳаммамиз бир ҳовлида яшардик. Бир овсинимда тўртта, бирида бешта бола, қайнона-қайнотам, қайним. Орамиздан гап қочган, санманга борган кунимиз бўлмаган. Жуда аҳил яшардик. Бўлмаса шароитимиз яхши эмасди. Ўрик баргини ёқиб, сув қайнатиб кир ювардик. Муздай сувда кир чайиб, қўлларимиз тарс-тарс ёриб кетарди. Кўмир чўғи солинган дазмолдан фойдаланардик. Шундаям бирортамиз иш қилишдан орғинганимиз, сансалар қилганимиз йўқ. Шунинг учун ҳам 27 йилдирки, борди-келдимиз бор.

— Оилани нима ушлаб туради? Болаларми, муҳаббатми...

— Ҳозир беш-олти нафар фарзанд билан ҳам ажрашяптилар. Болаларнинг ҳам ўзига яраша ўрни бордир. Лекин бир-бирини тушуниб, аяб яшаганларнинг оиласи мустаҳкам бўлади.

— Рўзғор деганлари сабаб, ҳамма вақт ҳам муҳаббату тотувликни сақлаб қололмаймиз. Бировга уй керак, бировга пул, яхши кийим-кечак. Эркакларнинг ҳаммасиям топарман-тутармон бўлмаслигини назарда тутсак, эр-хотин муносабатларини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин.

— Онамнинг гапларини такрорлайман — юк кўтарган юзага чиқади. Сабр қилиш керак. Борига шукр қилиб яшашга ўрганиш керак. Бу ёлғон дунёнинг ҳаю-ҳаваслари деб гуноҳга ботишнинг нима афзаллиги бор? Шу ёшга етиб, кўнглим хоҳлаган кийимни шарт олиб кийганим йўқ. У ёқ бу ёғимга қарайман, болаларни ўйлайман, рўзғоримнинг бир ками битади дейман.

— Домда» яшаш жонингизга теккандир? (Рашидов-лар оиласи Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси 18-мавзе, 16-уйда истиқомат қилади).

— Бундан қийин шароитларда яшаганимиз учунми, нолимайман. Бўлмаса, икки хонали уйда олти бола билан неча йил яшадик-ку. Мақтаниш деб ўйламанг. Шунча бола билан тиқилишиб яшасак ҳам, уйимиз чиннидек тоза турарди.

— Аёлнинг саристалиги эркак кишини уйга тортадиган, ёмон йўлдан асрайдиган омиллардан бири бўлса керак.

— Озода ва ширинсўз, пазанда ва фаросатли аёлнинг эри бошқа аёлга қайрилиб қарамайди. Эркак киши ўзи хоҳлаган ҳамма нарсани уйидан топса, бошқа жойда нима қилади?

— Амакимлар рашк қилармидилар?

— Қилганда қандоқ. Бу бизнинг замон одамларининг ўзига хос феълимиди, унча парво қилмасдим. Лекин рашк қиламан, деб бирор оғиз ҳақоратли сўз ишлатмаганлар. Фақат бировларни мисол келтирардилар, шаъма қилардилар. Мени яхши билганлари сари бу тўғрида гапирмай қўйдилар.

— Агар ҳаётингизни бошқатдан бошлашга тўғри келса, кимга турмушга чиқардингиз?

— Амакингизга.

Суҳбатдош:
Муяссар МАНСУР қизи.

ИККИ МУСОБАҚА, ИККИ МАНЗАРА

Куни кеча Австралиянинг Мельбурн шаҳрида икки ҳафтадан буён давом этаётган теннис бўйича очиқ чемпионат ниҳоясига етди. Жаҳоннинг энг кучли теннисчилари иштирок этган 1993 йилги биринчи йирик мусобақада Ҳамдўстлик давлатлари вакиллари ҳеч нарсага эришолмадилар.

Жаҳоннинг биринчи ракеткаси америкалик Жим Курье яна финалга чиқди. У чемпионлик учун бўлган ўйинда швед Стефан Эдберг билан учрашди. Бу сафар ҳам Жим моҳир теннисчи эканини яна бир исбот этди. 6:2, 6:1, 2:6, 7:5.

Бундай йирик беллашувларда республикамиз спортчиларининг иштирок этиш-этмаслиги ҳақида бирон нарса дейиш қийин. Шу ўринда ўтган шанба куни ниҳоясига етган яна бир теннис мусобақаси ҳақида:

Пойтахтнинг энг чиройли ва кўркам ҳисобланмиш «Динамо» теннис клубида ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги бўлиб ўтди. Унда 1975—79 ҳамда 80-йилларда таваллуд топган болалар қатнашишди. Бор-йўғи 48 нафар бола қатнашган республика биринчилигида Темур Хонхўжаев, Олеся Артемьева, Антон Кукурин ва Олеся Пихтиналар ғолиб бўлишди. Вилоятлардан эса бирон вакил иштирок этмади. Буни тушунса бўлади. Ахир пойтахтда энди куртак ёзаётган бу спорт тури чекка вилоятларга ҳали-зери етиб бормаса керак.

Муҳаммад АМИН.

ПОЧТАЛЬОНЛАР БОР БЎЛСИН

Уч ой муқаддам Наманган вилоятида ижтимоий таъминот ходимлари пенсияларни эгаларига ўзлари етказиб бериш ташаббусини бошлаган эдилар. Бу ташаббус барбод бўлди. Ижтимоий таъминот ходимлари ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериб, қийин ишни зиммаларига олган бўлсалар керак.

Тажриба давом этган уч ой ичида пенсия ва нафақалар эгаларига мунтазам етиб бормади, бунинг устига олдингидан анча кечикиб етказиб берилди. Нафақахўрлар бундан норози бўлдилар.

Пенсияларни эгаларига етказиб бериш яна почта бўлимларининг ходимлари зиммасига юклатилди. Улар ижтимоий таъминот ходимларининг хатоларидан сабоқ чиқариб олишлари керак. Тажриба ва ташаббус — яхши нарса, лекин уни бошлашдан олдин қандай қийинчиликлар ва муаммолар пайдо бўлишини пухта ўйлаб кўриш керак.

Келгуси сонда:

- СТАЛИННИНГ ЭРКАТОЙИ
- ҚИШЛОҚ ҚИШИ

Бухоро вилоятининг «Маданият» жамоа хўжалигида Жамила Солиева ҳамма яхши билади. Бу аёл «Дилором» болалар боғчасининг мудираси. Боғчанинг ишга тушганига кўп бўлмаган. Лекин обрўси катта. Сабаби бу ерда болаларни миллий мусиқа, санъатдан бохабар этиб тарбиялашади. Ҳар бир бўлимнинг ўз қўшиқчи боласи, раққоса қизи бор. Улар ўз концерт дастурлари билан ота-оналар ҳузурида тез-тез чиқиб туришади.

СУРАТДА: Жамила Солиева болаларга миллий раққса ўргатмоқда.

Р. АКБАРАЛИЕВ тасвирга туширган.

Газета саҳифаланаётганда

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ҚАМПИРЧОПОН!

Пайариқ туманидаги Янгиобод жамоа хўжалигига қарашли Бўри қишлоғида яшовчи Эшмаматовлар хонадонида бахтсизлик рўй берди. Оиланинг 6 нафар аъзоси заҳарланиб шифохонага ётқизилди. Сабаби улар кампирчопон аралашган ундан ёпилган нондан заҳарланишган... Кампирчопон аралашган ғалланы қишлоққа келган нотаниш кимсалар сотиб кетишган. Улар ғалла ичида кампирчопон борлигини сезишмаган, тегирмонда торттириб ун қилишган.

Демак, энди ғалла сотиб олаётганда ҳам ўта эҳтиёткор бўлиш талаб этилади. Чунки... Ўша куни шифокорларнинг барча ҳаракатлари зое кетди, 20 ёшли жувон ҳаётдан бевақт кўз юмди.

(Ўз мухбиримиз).
Самарқанд вилояти.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ *ва* "ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Чоп этиш вақт соат 20.30 га белгиланган. Чоп этиш учун 19.00 да имзо чекилди. Буюртма Г—75. 1 2 3 4 5 6